

## **БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И**

2025 йил май ойининг 1 куни, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: З.Қурбонов,

Ҳайъат судьялари: Н.Шаропов ва З.Шеровдан иборат таркибда, У.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Н.Толибов, судланувчи А.Сатторов ва унинг ҳимоячиси, адвокат Н.Рамазонов, жабрланувчи Б.Ражабов ва унинг вакили, адвокат Н.Қўлдошевнинг иштирокида, А.Сатторовга оид жиноят ишини унга нисбатан чиқарилган суд ҳукми устидан Ромитан туман прокурори томонидан келтирилган протест асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйдагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил

29 январь кунидаги ҳукмига кўра:

2000 йил 26 январь куни Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган, муқаддам судланмаган, Ромитан тумани, “Тарнаут” МФЙ, “Араблар” қишлоғида яшайди, “гаров” эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси ва суд ҳукми нусхасини муддатида олган Сатторов Аброр Эркин ўғлига, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил 6 ой муддатга иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойдан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Сатторов 2024 йил 25 август куни соат 17:00 ларда Ромитан тумани, “Тарнаут” МФЙ, “Араблар” қишлоғи яқинидаги макка экиб, ўриб олинган, Ш.Шодиевга тегишли бўлган ерда фуқаро Б.Ражабов билан



ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида А.Сатторов отаси Э.Ҳайдаров билан бир гуруҳ бўлиб, А.Сатторов Б.Ражабовнинг ўнг юзидан бир маротаба мушти билан уриб йиқитиб, йиқилганидан фойдаланиб, оёқ ва қўллари билан бир неча маротаба уриб, суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 27 августдаги 200-Т-сонли хулосасига кўра, унга бош мия чайқалиши билан кечган ўнг қўл 3-бармоқ ўрта фалангасида ва чап оёқ болдир товон бўғими соҳаларидаги шилинмалар каби жароҳатларидан иборат оғирлик даражаси бўйича олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказишган.

Протестда, А.Сатторовнинг ҳаракатларини ЖКнинг эски таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, жазони қонунга мувофиқлаштириш масаласи қўйилган.

Судлов ҳайъати, судья З.Шеровнинг маърузасини, давлат айбловчиси Н.Толибов, судланувчи А.Сатторов ва адвокат Н.Рамазоновнинг протестни қаноатлантириш ҳақидаги, жабрланувчи Б.Ражабов ва адвокат Н.Қўлдошевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокараларини тинглаб, протестда келтирилган важларни жиноят иши материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, судланувчи А.Сатторовнинг жабрланувчи Б.Ражабовга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбловга қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан тапшқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, суд-тиббий экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Бироқ, биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаган ва судланувчи А.Сатторовнинг айби исботлангани ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини ЖКнинг янги таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисми “б” банди нотўғри квалификация қилган ва жазо тайинлаган.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 8 октябрдаги “Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий



жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-972-сонли Қонунига кўра, Жиноят кодексининг 109-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, модданинг биринчи қисм чиқариб ташланган, иккинчи қисм биринчи қисм деб ҳисобланган ва янги таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдирилган.

Бундан ташқари, қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми “б” бандида бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб қасддан баданга енгил шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва модда иккинчи қисми санкциясидаги жазо чораси бир қадар кучайтирилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.Сатторов томонидан бир гуруҳ бўлиб, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жинояти 2024 йил 25 август куни, яъни қонунга қилмиш учун жазони кучайтирадиган ўзгартириш киритилган 2024 йил 8 октябрга қадар содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Биринчи инстанция суди, судланувчи А.Сатторовнинг ҳаракатларини жиноят содир этган вақтда амалда бўлмаган ва жазони кучайтирадиган қонун билан малакалаб, Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўллаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддаси 1-қисмининг 4-бандида, Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги апелляция, кассация ва тафтиш тартибида ҳукми, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши белгиланган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, судланувчи А.Сатторовнинг ҳаракатларини ЖКнинг янги таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисми “б” бандидан, эски таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва



инсонпарварлик тамоийллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвоси борлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, унга ушбу модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Қайд этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 485, 487, 489, 495, 497<sup>15-18</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати,

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил

29 январь кунидаги Сатторов Абдор Эркин ўғлига нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

А.Сатторовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

янги таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисми “б” бандидан ЖКнинг эски таҳрирдаги 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинсин, унга шу модда билан 1 йил муддатга иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойдан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция протести қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томонлар Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

З.Қурбонов

Ҳайъат аъзолари:

/имзо/

Н.Шаропов

/имзо/

З.Шеров

Нусхаси аслига тўғри

вилоят суди судьяси

З.Шеров



## Маърузачи: Шеров Зариф Зикриллоевич



Ҳужжат имзоланган: Шеров Зариф Зикриллоевич, 01.05.2025

